

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ М08-66
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
урта махсус таълим вазирининг
2019 йил "2" наебр даги
1026 - соили бўйруги билан
тасдиқланган.

“Ижтимоий-маданий фаолият”

йўналиш бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬЯТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта
маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашималар
фаолиятни Мувоғиқлаштируви кенгашиниг
2019 йил 18.10. даги 5 -сонли баённомаси билан маъкулланган.*

Тузувчилар:

“Ўзбекистоннинг миллӣ тикланишдан миллӣ юксалиш босқичида олий
таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф.
И.Саифзаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов .
“Таълим-тарбия жарабайларини ташкил этишининг конунчилик Таълим-
тарбия жарабайларини ташкил этишининг норматив-хукуқий хужжатлари”
модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А.Раҳмонов .
“Педагогининг инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: п.ф.д.,
проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолисева, п.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчичи
Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хакизарова, М.Инназаров,
Д.Кушарбаев .
“Электрон педагогика асослари ва педагогининг шахсий, касбий ахборот
майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова,
п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар
А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов .
“Амалий хорижий тилин ўрганишнинг интенсив усуллари” модули: катта
ӯқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева, У.Гиясова .
“Таълим жарабанини бошқаришда тизмлли таҳлил ва қарорлар қабул
килишининг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев,
п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова .
Маҳсус фанлар бўйича: доц. У.Зуннунова, доц. Т. Файзиев, доц.в.б. Ҳ.Шодиев,
профессор А. Умаров, катта ўқитувчи М. Савочкин.

Тақризчилар:

Хорижий эксперт: Боян Обренович-“Инноватус услуга” компанияси раҳбари,
иқтисад фанлари доктори.

С.Тўйчиева- ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда
бошқариш” кафедраси профессори, ф.ф.д.

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашиниг қарори
билин тасдикга тавсия қилинган (2019 йил 24.11 даги 4 -сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Ихтисослик фанларини ўқитишнинг замонавий методикаси.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Маданий фаолиятни ташкил этишда ахборот технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Оммавий маданиятга қарши курашда ғоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили.

VI. Махсус фанлар

6.1. Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар.

6.2. Санъат ва маданият бошқарувида замонавий арт менежмент асослари.

6.3. Ижро санъати маркетинги стратегиялари.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **максади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қўйидагилар киради:

- “Ижтимоий маданий фаолият” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ижтимоий маданий фаолият” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳукуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини;
- ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асосларини;
- арт менежмент модулинингнинг замонавий концепциясини;
- арт менежментда эришилган янги илмий натижалар, хорижий адабиётлар асосида яратилган илмий - услугий адабиётларни;
- ижро санъати соҳаларида маркетинг ривожланиш тенденциясини;

- ижро санъати маркетинг соҳасидаги долзарб масалаларни **билиши** лозим.

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асосини билиш;
- ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асосларини фаолиятга тадбиқ этиш;
- арт менежмент модули бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш;
- арт менежментга оид илғор хорижий таълим технологиялари ва бошқа манбааларни амалда қўллаш;
- ижро санъати бозорини ўрганиш: сегментация, мавқелаштириш ва рақобатбардошликни ошириш;
- санъат маҳсулининг бозор қийматини аниқлай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ижтимоий-маданий, сиёсий фаолиятнинг концептуал асосини ўрганиши;
- бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – маданий фаолиятдаги замонавий илғор технологиялардан фойдаланиш;
- санъат ва маданият муассасаларини замонавий арт менежмент талаблари асосида бошқариш;
 - иш юритишининг илғор, замонавий усулларидан фойдалана олиш;
 - арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;
 - санъат соҳаси ташкилотларини стратегик бошқариш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- ижтимоий – маданий фаолиятнинг функциялари ва тамойилларини қўллаш;
- ижтимоий – маданий фаолиятни ташкил этишнинг психологик ва педагогик асосларини ташкил этишда янги усул ва услубларни кашф қилиш;
- машғулотларни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
 - арт менежмент билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб бориш;
 - санъат соҳаси ташкилотларининг стратегик бошқариш;
 - мавқелаштириш, рақобатчилар ва потенциал ҳамкорларни аниқлаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида

ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ИЖТИМОЙ МАДАНИЙ ФАОЛИЯТ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қиласин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурый асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай

шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хуқуқларини таъминлашда Хотинқизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг норматив-хуқуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараённида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности хужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий хужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий хужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий хужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўкув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўкув машғулотларининг ҳар хил турларини ўtkазиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2 Ихтисослик фанларини ўқитишининг замонавий методикаси.

Таълим жараёнининг тузилмаси. Машғулот турлари, шакллари. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш, ижтимоий – маданий фаолият, продюссорлик йўналишлари фанлари ўқитилишида замонавий ёндашувлар. Очиқ дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслер ва электрон дарслер ҳамда ўкув ва электрон ўкув қўлланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий ва амалий машғулотлар мавзулари модулларини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Илгор хорижий тажрибалар асосида ўкув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услугиёти. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш, ижтимоий – маданий фаолият, продюссорлик йўналишлари фанлари ўқитилишида инновацион педагогик технологияларидан фойдаланиш.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида кўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булатли технологиилар. Google булатли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурний воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошк.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Маданий фаолиятни ташкил этишда ахборот технологиялари.

Маданий фаолиятини ташкил этишда ахборот технологиялари. Маданий тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнида нашриёт тизимлари ва матбаа маҳсулотлари. Векторли муҳаррирларида ва нашриёт дастурларида буклетлар ва плакатларни тайёрлаш. Анъанавий ва ноанъанавий сўровлар ишлаб чиқиши ҳамда татбиқ этишда янги дастур ва иловалардан фойдаланиш. <http://surveymonkey.com>, <https://virtualexs.ru>, Googledocs ёрдамида сўровлар яратиш ва маълумотлар олиб йиғиши. Маданият фаолиятини бошқаришда “Электрон ҳукумат” тизимидан фойдаланиш ва фойдаланишларга хизмат кўрсатиш. Интернетда маданий тадбирларни оммалаштириш.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урфодатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўнималарини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнималарини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот

стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордиқ, телефонда сұхбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишидан изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Оммавий маданиятга қарши курашда гоявий иммунитетни шакллантиришнинг тизимли таҳлили.

“Оммавий маданият” – анъанавий маданият кушандаси, миллий маданият ва санъат соҳамизга таҳдид сифатида. Санъат соҳаси ходимлари учун маънавий, мафкуравий ва ахборот хавфсизлигининг долзарблиги. Бугунги глобаллашув шароитида маънавий ва мафкуравий соҳаларда бўлаётган таҳдидлар ва уларга қарши санъат соҳаси ходимларининг онгидаги мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари. Маънавий ва мафкуравий таҳдидларни аниқлашда тизимли таҳлилнинг усуб ва услугиятидан фойдаланган ҳолда қарор қабул қилиш. Иллатни қадриятга айлантириш механизми, ёхуд “Овертон ойнаси” (имкониятлар ойнаси) технологияси.

VI. МАҲСУС ФАНЛАР

6.1. Ижтимоий-маданий фаолият фанларининг назарий асослари ва илғор тажрибалар .

Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг педагогик асослари. Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Ижтимоий-маданий фаолиятнинг асосий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари. Ижтимоий-маданий сиёсат ижтимоий-маданий фаолиятнинг концептуал асоси сифатида. Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш тизими. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий – маданий фаолиятдаги замонавий илғор тенденциялар. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг назарий асослари. Ижтимоий – маданий фаолият- илмий тадқиқот тизимидағи фундаментал йўналиш сифатида. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг функциялари ва тамойиллари. Ижтимоий – маданий фаолиятни ташкил этишнинг психологик ва педагогик асослари. Ижтимоий – маданий фаолиятни тадбиқ этиш соҳалари. Ижтимоий – маданий сиёсат. Ижтимоий – маданий фаолиятнинг субъектлари.

6.2. Санъат ва маданият бошқарувида замонавий арт менежмент асослари.

Арт менежмент модулингнинг замонавий концепциясини; арт менежментда эришилган янги илмий натижалар, хорижий адабиётлар асосида яратилган илмий - услубий адабиётларни; Арт менежментнинг мазмуни. Креатив ва маданият арт индустрияси. Арт менежерининг маҳорати. Менежмент функцияларидаги концептуал кўнималар. Инсоний ва техник қўнималар. Арт менежмент модули бўйича янги электрон ўқув адабиётларни яратиш ва улардан фойдаланиш. Арт менежментга оид илғор хорижий таълим технологиялари ва бошқа манбааларни амалда қўллаш. Санъат ва маданият муассасаларини замонавий арт менежмент талаблари асосида бошқариш. Иш юритишнинг илғор, замонавий усулларидан фойдалана олиш. Мақсадни белгилаш ва ташкилий режалаштириш. Миссия ва мақсад. Стратегик таҳлил. SWOT-таҳлили. Стратегик режалаштириш ва стратегик танлаш моделлари. Стратегияни тадбиқ этиш. Инсон ресурсларини бошқаришнинг стратегик аҳамияти ва мақсадлари. Мотивация асослари. Санъат соҳасида персонални бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ижодий жамоада мотивацион дифференциация. Коммуникация жараён сифатида. Шахслараро коммуникациялар. Ташкилий коммуникациялар. Санъат муассасаси бошқарувида ташкилий коммуникацияларни бошқариш. Бошқарувда ахборот коммуникацион технологиялари. машғулотларни илғор педагогик хамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш. Арт менежмент билан боғлиқ илмий тадқиқотлар олиб бориш.

6.3. Ижро санъати маркетинги стратегиялари.

Арт маркетинг масалалари. Ижро санъати бозорини ўрганиш: сегментация, мавқелаштириш ва рақобатбардошликтин ошириш. Арт маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши. Санъат маҳсулиниң бозор қийматини аниқлаш. Ижро санъати маркетинг микс стратегиялари. Санъат соҳаси ташкилотларининг стратегик бошқаруви. Ижро санъати маркетингиде Price масалалари. Санъат соҳаси нотижорат ташкилотларини молиялаштиришнинг хорижий тажрибаси. Ижро санъати соҳаларида маркетинг ривожланиш тенденцияси. Ижро санъати маркетинг соҳасидаги долзарб масалалар. Санъат соҳаси ташкилотларининг стратегик бошқариш. Мавқелаштириш, рақобатчилар ва потенциал ҳамкорларни аниқлаш.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиилар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. – 192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. Холов А.Х. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т.; 2018.
33. Маннопов С. Ижтимоий-маданий фаолиятда сценарийчилик. Услубий қўлланма. –Т.; “Янги аср авлоди”. 2018.
34. Раҳимова Д.Н. Инқирозга қарши бошқарув. Ўқув қўлланма. –Т.; Фофур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи . 2018
35. Бекмуродов М.Б., Умаров А.А. Ижтимоий маданий фаолият тарихи, назарияси ва амалиёти. Т.: Фофур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи. 2015.-315б.
36. Саматов F.A. Лойиҳаларни молиялаштириш. Монография. –Т.; “Иқтисод молия” .2018.
37. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. –Т.; “Янги аср авлоди” 2012.
38. Тожибоев К. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. Наманган . 2015.
39. Исмадиев Я. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизmlарини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т.; 2018.
40. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
41. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
42. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 р.
43. Хайдаров А.Х. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш асослари. Т. Фофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016

IV. Электрон таълим ресурслари.

- 44.** www.ziyonet.uz
- 45.** www.edu.uz
- 46.** www.infocom.uz
- 47.** www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
- 48.** www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
- 49.** www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
- 50.** www.gov.uz
- 51.** www.dsni.uz
- 52.** www.dsni.kz

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишга ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази

Директор М.Т.Шоймардонов
“201 й.



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти

Ректор И.Ж.Юлдашев
“201 й.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институти хузуридаги Педагог
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш Тармок маркази
Директор Т.Р.Файзиев
“201 й.
М.ў.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Маданият вазирлиги
Таълим муассасалари
ва тармокларни методик
татьминлайди бонқармаси
бошлиги С.Х.Мадиев
“201 й.

М.ў.

